

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов
Акрамжон Адизов
Эркин Воҳидов
Кенгесбай Каримов
Наим Каримов
Рустам Мирзаев
Тўра Мирзаев
Иқбол Мирзо
Минҳожиддин Мирзо
Ғулом Мирзо
Абдуваҳоб Нурматов
Баҳамдулло Нурабуллаев
Абдулла Орипов
Тўра Саидов
Сирожиддин Саййид
Йўлдош Солижонов
Хайриддин Султонов
Рустам Қосимов

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Орзиқул Эргаш

3
2012

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА:

Шеърият

Усмон АЗИМ

Сўздан тақдир қурдим

Шеърлар



Сенинг билан барг очайин,
Сенинг билан гуллаб қолай.
Бу дунёдан қандай ўтиб
Кетганимни билмай қолай.

Наср

Ойдин НИСО

ҲАЁТ ДАРАХТИ

Қисса



Бу ғамхўрлигим учун тунда “раҳмат” эшитаман. Содда дарахтчам билмайдики, унинг борлиги – менинг бахтим! У менга яхшилик қилиш имконини берди. Ахир, дунёда кимгадир кераклигинг, яхшилик қилишинг мумкинлигини ҳис этиб яшашдан ортиқ бахт борми?!

Шеърият

Гўзал БЕГИМ

Ипак гулкосада ёвқур табассум

Шеърлар



ҳислар уюм
кўнглим уюм-уюм
қайрилиб қайрайди юраккуш йўлак
умримнинг энг иссиқ соҳилларида

Жаҳон ҳикоялари хазинасидан

Элке ҲАЙДЕНРАЙХ

ЭРИКА

Ҳикоя

...негадир уни “Эрика” деб атагим келди, миямга келган дастлабки фикр шу бўлди: Эрика. Қўғирчоқ чўчқача каттагина, оч пушти юнгли, тўқ пушти оёқлари, бир оз очилган оғзи, юмшоқ қулоқлари... ва тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ишонч тўла кўзларида сахийлик, қизиқувчанлик, айни чоғда бир оз қувлик балқиб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Санобар ТЎЛАГАНОВА,
филология фанлари номзоди



ЙИЛ ҚИССАЛАРИГА БИР НАЗАР

Адабиёт англамлар ҳақидаги ўзгача олам. Англамлар, очилган ва очилмаган тагқатлам, кўповоз, маънонинг товланиши, тусланиши, турланишини илғай олиш ва буни тажрибада акслантириш адабиётнинг асосий вазифасидир. Кейинги пайтда қиссалар асносида китобхонларга ҳар хил мавзу ва савияси турлича асарлар намойиш этилмоқда.

Биргина 2011 йилда “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида ҳамда китоб шаклида нашр этилган қиссаларга назар ташлар эканмиз, мақсадни ойдинлаштириш йўлида, ўз олдимизга қуйидаги саволларни қўйиб, таҳлил давомида унга жавоб беришни маъқул топдик.

Аввало, ютуқлар ва камчиликлар нималардан иборат, мазкур қиссаларни умумлаштирувчи ва фарқловчи жиҳатлари қайси ўринларда кўринади? Ҳозирги ўзбек насрининг етакчи тенденция ва тамойиллари бу қиссаларда қандай намоён бўлмоқда?

Саволларга жавоб беришдан аввал қисқача маълумот. Йил давомида журналларда чоп этилган саккизта ва китобларга кирган тўртта қисса таҳлил объекти бўлмоқда.

Уларни сиртдан шартли икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчиси, анъанавий услубдаги мавзу ва услуб жиҳатдан бир-бирига яқин қиссалар. Буларга: Нилуфарнинг “Беошён яралган аёл”, А.Аъзамнинг “Ҳали ҳаёт бор”, А.Айизовнинг “Полвон йиғлаган тун”, З.Худойшукурнинг “Полвоннинг ори”, Ж.Эргашеванинг “Зулфизар”, А.Намозовнинг “Нотаниш”, Х.Каримийнинг “Ҳурлиқо”, Б.Қобулнинг “Эна шамол”, “Оқдала”, “Ўспиринлик” қиссаларини киритиш мумкин. Уларни умумий ҳолда ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-маиший мавзудаги асарлар деса ҳам бўлади. А.Абдуллаевнинг “Ҳазрати Аттор” маърифий, Ф.Салаевнинг “Узро” фантастик қиссаси ҳам ушбу сирага мансуб.

Ноанъанавий услубда ёзилган Ш.Турдимовнинг “Мезон” қиссаси юқорида саналган қиссалардан услуб ва баён усулига кўра фарқланади.

Қисса жанри талабларига кўра ўлчам олсак, нафақат қиссалар сони ортди, балки мазмун салмоғ жиҳатидан янгиланиб, ифода диапозони кенгайди.

Анъанавий йўналишдаги А.Айизовнинг “Полвон йиғлаган тун”, З. Худойшукурнинг “Полвонинг ори” қиссаларида инсоннинг номуси, ори масаласи марказга чиқарилган. Полвон учун ор ҳаёт-мамот масаласи десак, адашмаймиз. Катта давраларда курашга тушган полвон ўз орини юрти, элати орига тенглаган, ор талашган. Ҳар икки қиссада ҳам полвонлар образи тимсолида миллатнинг қадрияти, ори, тантилиги, олижаноблиги каби умуминсоний, умумабадий фазилатлар тасвирланган. Ҳар икки муаллифнинг топилмалари, танлаган сюжети, миллий менталитетга хос хусусиятларни акс эттириш истаги, йўқолиб кетаётган оҳангларни беришга интилиши яхши, аммо бу жиҳатлар асар бадииятини таъминлашга гаров бўлолмайди. Ҳар икки қиссада воқелик муаллиф тилидан ҳикоя қилинган. Муаллифларнинг тажриба ва маҳорат асрорини эгаллаш йўлида изланаётгани, уларнинг кейинги ёзувларига умид уйғотади.

Нилуфарнинг “Беошён яралган аёл”, Ж.Эргашеванинг “Зулфизар” қиссаларида англанган ва англанмаган ўзлик, аёл учун бахт ва бахтсизликнинг айрича маънолари қаҳрамонлар руҳияти ва кечинмалари тасвирида аксланган. Ж. Эргашеванинг “Зулфизар” қиссасида аёлнинг ҳаётида оила, фарзанд тарбияси нечоғлик муҳим аҳамиятга

www.ziyouz.com kutubxonasi

эга эканлиги, унинг миллат, халқ олдидаги қарздорлик маъсулиятининг умумлашмаси Зулфизар образида тажассум топган. Муаллиф Зулфизар образининг характерли жиҳатларига давр фожиаси нуқтаи назаридан ёндашади. Зулфизар жуда ақлли, илмли, ичи бутун аёл. Афсуски, давр, муҳит унинг кучини, ақлини ўзга йўлда сарфлашга маҳкум этди. У сохта ғояга алданади, умрини, борини, эътиқодини “қурбонлик” қилади, хиёнат кўради, аммо ҳеч бир ўринда аёллик шаънини, номусини сотмайди, ахлоқ этекети нуқтаи назаридан четга чиқмайди. Орини унутган: севгисидан индамай воз кечган журъатсиз ошиқ, жуҳудга текканда ҳам синглисига оғиз оча олмаган ака, ландавур эр – ҳаммаси бир бўлиб Зулфизарнинг фожиасини янаям кучайтиради. Нилуфарнинг “Беошён яралган аёл” номли қиссасида Нигоранинг асл фожиаси унинг нотавонлигида, ўзини инсон деб англамасликда, ҳаддан зиёд мутелигида. Қиссада бир қанча сюжет йўналиши ҳаракатланади. Айримлари сюжет талаби билан учрашса, айримлари умуман юзлашмайди. Саида образи муаллиф мақсадини бўрттиришда зарурдир, аммо мантиқан ноўрин. Рустам образига чуқурроқ разм солинса, у на Нигорани, на Умидани яхши кўради. Асардаги ўрни каби, ичи бўм-бўш. “Аёлга хоҳлаганини беринг бўлмаса уни ўзи олади”, “ҳижроннинг уйида доимо қиш” ният ифодаси учун муносиб жумладан завқлансангиз, “аёл бўлиш осон эмас”,“онги уни тарк қилгандек”, “аччиғланиш изтироблари кўтарилганини сезди” каби жумлалардан дилгир бўласиз. Образларнинг руҳияти, кўнгил кечинмаларининг оддий штрихлари ҳам йўқ. Асарнинг динамикаси жуда заиф, бадиий далилланмаган эпизодлар, мантиқий боғланмаган лавҳалар талайгина. Образ руҳиятининг адоқсиз кечинмалардан, кўнгилдаги ғалаёнлардан, сюжетдаги драматик интригаларга бой саҳналардан адиба етарлича фойдаланмаган. Рустам учун бир неча йилдан бери эрмакка айланган, ҳаётда боридан ажраган бахтсиз Умиданинг исёни онгсиз, ҳали ўзлигини англаб етмаган. Тортинчоқ Умидадан андишасиз шаллақига айланган Умидагача бўлган оралиқдаги образнинг руҳий зўриқиш, таранглигини тасвирлаш бадиий объект сифатида муаллиф учун энг муҳим топилдиқ эди, аммо адибанинг беэътиборлиги натижасида, бу топилма асарда йўқотилган. Натижада, асар бадийяти ютқазади. Нигоранинг ҳаётига, фикрларига импульс берувчи: “Аёлнинг бурчи наслни давом эттириш”, эканлигини айтишдан чарчамаган оператор (таъкид бизники – С.Т.) бувининг жуда жўн “фойдали” насиҳатлари қаҳрамонга дарров таъсир қилади, ўзгаради-қўяди, адиба хоҳласа бўлди, образнинг ўзи бунга тайёрми, йўқми бу эътибордан четда қолган. Аёлнинг наслни давом эттириши биологик вазифаси эмасми? Инсон кўнглининг қоронғи кўчаларининг сиртини эмас, ичкарисини кўра олишга интилиш, муаммони тўғри ва аниқ қўя билиш, бадиий тасвирлай олиш чинакам ижодкорлик маҳоратининг белгисидир.

Жамиятдаги номувофиқликлар билан қаҳрамон “ички мени” ўртасидаги зиддиятларни ёритишда ижодкор ҳаётий тажрибаси, маҳорати эвазига тафаккур тарзи, тасвир диапозонининг кенгайиши А.Аъзамнинг ”Ҳали ҳаёт бор...” номли қиссасида ўзига хос усулда бадиий ечимини топган. Оддий воқеа орқали бир тўда мунофиқ одамларнинг асл башарасини очиб ташлаш асарнинг ядроси саналади. Бўлак билан яхлит бир бутунлик нишонга олинган. Жамият ҳаётидаги иккиюзламачиликнинг авж олиши, одамларнинг ёлғон билан битим тузиши, муросасозлик ёзувчи томонидан фош қилинади. Қиссада катализатор вазифасини ўтаган телефон қўнғироғидан сўнг воқеалар бўҳрони бошланади. Нашриёт раҳбари Абдузафаров Турдиали, Сожида, Сурайё, Умаровлар мустақил фикри йўқ, қўрқоқ, иккиюзламачиликнинг, саводсизликнинг, мунофиқликнинг турфа кўринишларидир. Улар учун хоинликнинг нархи – қоладиган фойдаси билан ўлчанади. Аълам саводли, виждонли, ўз қарашларига эга, ғужурли йигит. Ёзувчи маънони қисса тагматнларига шундай жойлай олганки, уни дарров англаб ололмайсиз. Муаллиф нутқидаги киноояни, кесатиқни сезиш қийин эмас. Умаров “ўзи тўқим табиат йигит” таърифи унинг асардаги ўрнига ишора. Ёзувчининг тили равон. Асарда ишлатилган тиниш белгилар ҳам бадиий юкка эга: уч нуқталар, сўровлар сюжетдаги мазмунни тўлдиришга, ойдинлаштиришга хизмат қилган. Қиссанинг номланиши ҳам эртанги кун умиди билан ундирилган.

А. Намозовнинг “Нотаниш” қиссаси ижтимоий фалсафий мавзуда. Асарни ўқишингиз билан дуч келадиган биринчи савол Ғайбаров фамилияси бўлади. Ёзувчи фамилияни устозларидан қарз олганми ёки у Ғайбаровнинг моҳиятан давомчисими?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Балки, ёзувчи гапни шундан бошлаганда, вазият ўзгачароқ тус олармиди? Асар сюжети – пойдевори, таянчи мустаҳкам эмасдек. Воқеалар қадам олган жойдан мантиқий асос сунъийлаштирилган. Асар бошида Нотаниш дайди Ғайбаровни неча кунлаб кутиб, унга сени ҳалокат кутаяпти, деб айтади. Нотаниш ўзини унга танитишга уринса-да, “кўзига” қараса-да, Ғайбаров ҳеч нарсани эслай олмайди. Қизиқ, Нотаниш нима учун Ғайбаровни қидиргани, у ўзини қайта-қайта эслатса-да, у ҳеч нимани эслай олмайди, гуёки у хотирасидан айрилган. Асарнинг структур қатлами анчайин юпқа, сирпанчиқ. Омадсизлик яқин улфатига айланган Ғайбаровнинг кўнгил кечмишлари, унинг алам-задага айланишининг руҳий асосларига чуқурроқ қаралса, ёзувчи қаҳрамонни тушуниш томон бир одим силжиган бўларди. Аблаҳликнинг барча кўчаларини кезиб чиққан Ғайбаров асар сўнггида Нотанишни яна учратади. У энг яқин дўсти бўлиб чиқади. (Қаранг-а.) Асарда қаҳрамонлар мунофиқликда, хоинликда бир-биридан ўзғир. Бирорта маънавий қиёфаси бутун одамни топа олмайсиз. Ёзувчи бу биқиқ муҳитдан Ғайбаровнинг характерини очувчи восита ўрнида фойдаланган. Асарда бадиий юкнинг салмоғи мавҳум, адашиб кириб қолган образлар ҳам бор. Ёзувчи, аввалambор, нимани ва қандай ёзиш кераклигини билиши лозим. Ёзиш ниятининг ўзи чинакам асар яратишга камлик қилади.

Б. Қобулнинг "Эна шамол" тўпламига “Оқдала”, “Ўспиринлик” қиссалари киритилган. Биринчи қиссада бола сўзловчи, кейинги қиссада у тингловчи. Фарқли жиҳати кейинги қиссаларда асосий саҳнага Мерган ва Овчи образлари кўтарилади. Бу қиссалар мазмунан бир-бирини тўлдириб, тадрижан боланинг ёшига мос тузилган. Қиссалар романнинг сочмалари йўсинида тартибланган. Унинг “Эна шамол” қиссаси янгича маъно товланишлари ва ўзига хос тили, услуби билан эътиборни тортади. Ёзувчи инсонни борлиқнинг бўлаги сифатида кўради. Қаҳрамонлар характерида тоғларга хос юксаклик, улуғворлик, бағрикенглик, тантилик хислатларига алоҳида урғу берилган. Қиссадаги ҳар бир персонаж ўзида ёзувчининг эстетик идеалини у ёки бу даражада тажассум этади. Кейинги қиссанинг қаҳрамонларидан бири Мардон тентак ҳақпарвар, у тентакликни ўзига ниқоб қилиб олган. Шунинг учун унга ҳеч ким айта олмайдиган гапларни айтиш ваколати берилган. Ҳаётнинг синовлари туфайли донишмандга айланган Овчининг ўз-ўзини англаб етиши ҳам ёзувчининг образ яратишдаги муваффақиятларидан биридир. Бола ҳар бир образ тагматнидаги моҳиятга очқич, калит. Ёзувчи Фолкнерга хос услубда Самарқандга турли ракурслардан назар ташлайди, бола, катта эна, боланинг отасининг тилидан баён қилишнинг янгича моделини яратишга умидланган. Бу умид, бизнингча, ўзини оқлай олган. Ҳар бир образнинг ўз характер мантиғи, елкасида бадиий юки, асар сюжетида ўз ўрни мавжуд. Баъзи бир такрорлар учрайди. “Ўспиринлик” қиссасидаги “Кунга маҳтал кампирлар” парчаси яна мазкур китоб сўнггида шу ном остида алоҳида ҳикоя деб берилган. Бу эса ҳали ёзувчининг асар композицияси қурилмасидаги тажрибасизлигидан далолат. Воқеликнинг такрорланиши унинг бадиий қийматига таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Х.Каримийнинг “Ҳурлиқо” қиссаси мавзу ва муаммосига кўра: “Мен кимман, тирикликнинг моҳияти нима?” саволларга ечим излаган қаҳрамоннинг кўнглида кечган тўлғоқлар тасвирига бағишланган. Ёзувчи сюжет динамикасини виртуал-ғайритабиий ҳолатнинг “танланган” қаҳрамон руҳиятига таъсири билан боғлайди. Қаҳрамон оромидан айрилган, руҳи, кўнгли ўзига таскин истайди, у одамлардан безор. Муаллиф воқеаларни уюштиришда, мақсад сари йўналтиришда, тасвирда баёнчиликка, тафсилотларга кўпроқ ўрин бергандай. Ҳурлиқо ким? У тушми, руёми? Ечилмай қолган тугунлар, жавобсиз саволлар асарнинг бадиятига путур етказади. Муаллиф қаҳрамон руҳияти оғриқларининг, безовталикнинг сабаби, моҳиятига теранроқ, чуқурроқ назар солганда қисса кўпроқ топилмаларга эгалик қиларди.

Адабиётда тарихий воқеликнинг бадиий талқинини яратишда тажрибанинг ўзига хос анъаналари шаклланган. Бундай мавзуда асар яратиш ёзувчидан маҳорат ва масъулият талаб қилади. Ижодкорнинг тарихий воқеликни бадиий ҳақиқат даражасига олиб чиқиши методнинг биринчи шарти бўлса, тарихни такрорламасдан, мазмунни янгилаб тўлдириши, портретдаги янги бир изни топа олиши иккинчи шарти ҳисобланади. А. Абдуллаевнинг “Ҳазрати Аттор” маърифий қиссаси биографик тарихий асар бўлиб, муаллиф Атторнинг маънавий қиёфасини тўлдиришга, мазмунан бойитишга ҳаракат

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилган. Муаллиф файласуфнинг оламни англаш тарзи, унинг ўзига етиш йўлидаги тафаккурнинг маънавий босқичларига бирма-бир тўхталади. Қисса диалог асосига қурилган. Афсуски, муаллиф тўплаган материаллар орасида ўралашиб Аттор шахсининг соясида қолиб кетгандек. “Насиҳат диннинг устуни” ҳикмати асарнинг туб мағзига, контекстига сингдирилган. Қиссадаги персонажлар тилидаги баъзи ғализ жумлалар китобхон ғашини келтиради. (”Фариддин кўча кўрган йигит эди”. “Валаднинг ёш боласи Жалолиддин.”) Тарихий мавзудаги асарларнинг бугун ва эртани, келажак авлодларни бир-бири билан боғлашда маънавий кўприк бўлишини унутмаслигимиз лозим.

Бадиий анъаналар замирида миллий ўзликни сақлаш, қадриятларни асраб-авайлаш Ф. Салаевнинг “Узро” номли фантастик қиссасида асосий мотивга айланган. Инсониятни ҳалокатдан нима сақлаб қола олади, саволига жавоб қиссанинг ўзак масаласидир. Инсоний меҳр-оқибатни, маънавиятни, миллий урф-одатни ҳеч қандай ривожланган технология-моддият боса олмаслигини кўрсатиб бериш асарнинг бош муаммоси. Муаллиф фантастик турнинг имкониятларидан унумли фойдаланиб, ниятини, бадиий унсурларни бир нуқта марказига уюштира олган.

Ш.Турдимовнинг “Мезон” деб номланган киноқиссаси фольклор, мумтоз ёзма адабиёт, замонавий адабиёт синтезининг ҳосиласи ўлароқ юзага келган. Мажнун-каноник образ. У бизнинг онгимизда маълум схема асосида аввалдан мавжуд. Муаллиф илми, ижодий тажрибаси воситасида англанган моҳиятни англатишга умидланган. Асар яралишдаги муаллиф кўнглидан кечган иккиланишлар баъзи ўринларда йилтиллайди. “Мажнуннинг ўлчовини мажнунларгина англайди”. Хулоса ҳукм ўрнида. Шарқ адабиёти метафорик характерга эга, азалдан фикрни, ниятни мажоз йўлида ифодалашни маъқул билган. “Мезон”да ҳам воқелик тимсолларда, рамзларда берилган. Қисса кодлаштирилган тизимни эслатади. Қисмат Қайсга Мажнунликни раво кўрди. Пифагорнинг: “Ҳар бир одам дунёга ўлчовдир”, деган гапи ёзувчи концепцияси билан ҳамоҳанг. Ёзувчи ўнгсўзлардан унумли фойдаланган. Ўнгсўз – моҳиятга калит, ўқувчини асл маъно томон имлайди, ўнглайди. Танланган ўнгсўзларнинг семантик, логик моҳияти муаллиф заковатининг қийматига тенг. Асарда очиқ мазмунда айтилганлардан, айтилмаганлари ортиқроқ. Маъно ва мазмундаги зичлик қисса ички структурасининг бош белгиси. Қиссада ҳис-туйғудан кўра, ақл устуворлик қилганга ўхшайди. Бизнингча, қиссадаги рамзларнинг ранглари қуюлиб, бўёқлар кўпайиб кетгандай. Мажнуннинг ҳар икки паллани йиғиштириб, иккаласини бир-бирига кийиштириши, бу дунёнинг ҳамма ўлчовларидан кечишига ишора. Усулнинг ичидан усул қидириш, ҳеч ким юрмаган йўлни танлаш, ҳеч ким айтмаган гапни айтишга журъатланиш бу энг муҳими. Ёзувчининг нияти ҳам мана шу журъатларда жам бўлган.

Хуллас, ўтган йил қиссаларида услубий, шаклий ранг-барангликлар, мавзу ва муаммо қамровида янгиликларга интилиш жанрнинг етакчи хусусиятига айланди.

Бир оғиз сўз камчиликлар тўғрисида. Ўтган йил қиссаларидаги, умуман, бугунги ўзбек насрий асарларимиздаги "тилсизлик" жуда ачинарли ҳол, ўқувчини ўзидан бездиради. Халқнинг урф-одатларини, миллатнинг шева лаҳжаларини яхши билмаслик, зўрма-зўракилик, ўзи ишонмаган ҳолатларга бошқаларни ишонтиришга уринишлар, ўзбек насрининг бир жойда депсиниб қолишига сабаб бўлмоқда.

Жанр имкониятлари билан ҳисоблашмаслик, бир ҳикоя бўладиган воқеликни қиссага айлантириш йўлидаги зўриқишлар, сюжетни жуда оддий ва жўн тарзда қуриш, ўзи ишонмаган лавҳага бошқани ишонтиришга интилиш, адабиётнинг энг оғриқли нуқталаридан биридир. Сариқ матбуоатда кетма-кет саҳифаларни тўлдириб ташлаётган: А.Қаржовов, Х.Сафаров, Азиз Али Ҳайратнинг шиширилган, қуруқ воқеанависликка қурилган, мантиқий ва руҳий асослари заиф, олақуроқ яратиқлари ва энг алам қиладигани “қиссанинг давоми қачон чиқади” деб уларга хат ёзаётган “ўқувчиларнинг” мактубларини ўқиб ҳайрон қоласиз.

Янгича изланишлар қаторида, камчиликлар бўлиши, ҳаракатланаётган, фикрлаётган адабий жараён учун табиий ҳол ҳисобланади. Топилдиғу ютқизиқлари билан бу адабиёт ўзимизники. Улар орасида ҳароратли нафасларнинг борлиги, эртанги кун ўзбек насрида янгича йўллар, айрича излар шаклланаётганидан дарак беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi